

«ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИ БОШҚАРИШ» ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

Мухамедова Нигора Сайдимухторовна

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Жамоат саломатлиги ва соғлиқни
сақлашни бошқариш кафедраси доценти

Махаматкулов Шохрух Бахриддинович

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

1-курс педиатрия факультети талабаси

Аннотация. Ҳозирги кунда, бутун дунёда глобаллашув жараёнининг тобора чуқурлашиб кетаётганлиги ҳар бир шахснинг ижтимоий тараққиёти билан боғлиқ ижтимоий салоҳиятга бўлган эҳтиёжнинг янада ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Зеро, барча давлатларда ўзига хос тарзда амалга оширилаётган таълим ислохотлари жараёнида ўқитувчи фаолиятига қўйиладиган талаблар унинг ҳам касбий, ҳам шахсий фаолияти билан боғлиқ масалаларни рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда ўқитувчи фаолиятининг индивидуал, ижтимоий педогогик компонентларини тўғри белгилай олиш ҳамда бу жараённи ўқитувчи ва унинг касбий фаолияти самарадорлигини таъминловчи омил сифатида ўрганишга бўлган илмий ва ижтимоий зарурат тобора ортиб бормоқда.

Калит сўзлар: Замонавий, технология, фан, таълим, механизм, касбий.

2021-2026 йилларда янги Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг еттига устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонда белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш, меҳнат бозори талабларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш, таълим сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш, инновацион илм-фан ютуқларини амалиётга тадбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш орқали

мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Профессонал таълим тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, олий таълим тизимида махсус профессионал таълим босқичларини жорий қилиш орқали меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мақсадида олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш кўзда тутилмоқда. Замонавий таълим тизимини такомиллаштиришда янги инновацион интерфаол педагогик технологияларни қўллашни ва ҳар бир ўқув жараёнига босқичма-босқич «Кредит-модуль» тизими сифатида ёндашувни тақазо қилмоқда. Олий таълим тизими, яъни тиббиёт йўналишида кредит-модуль тизимига ўтишга тайёрланмоқда. Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш фани бўйича кўникма ва малакани ҳосил қилдириш, ўқув жараёнида босқичма-босқич шакилланиб келаётган «Кредит-модуль» тизими сифатида ёндашишни ўқитиш йўналишини ва узлуксиз таълим тизимини муайян бир тарихга солиш мақсадида, ушбу фан бўйича фан дастури шаклланимоқда. Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш фани 3 модульга бўлинади (Тиббиёт тарихи, Жамоат саломатлиги, Маркетинг ва менежмент). Дастур Ўзбекистон Республикаси олий тиббий таълим давлат стандартлари, соғлиқни сақлаш ҳуқуқий асослари, ҳозирги замонда жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш, биостатистикадаги замонавий технологияларни, Республикасининг 153 регионал ва ижтимоий-демографик хусусиятлари, касалликларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига таъсир этувчи ижтимоий омилларни ва аҳоли саломатлигини белгиловчи омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда тузилган. Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш фанининг асосий мақсади, аҳоли саломатлигининг қонуниятлари, уларни ўрганиш услублари, аҳолига тиббий ёрдам ташкил қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг назарий, услубий, амалий ва ташкилий билимларни ҳосил қилишдан иборат. Биринчи курсда Тиббиёт тарихи номи модуль утилади, ушбу модульда ўқув режага

асосланган холда маъруза ва амалий машғулотлар ўтилади. Хар битта гуруҳ талабалари орасида тиббиётга ўз хиссаларини қўшган буюк олимлар тўғрисида конкурс ўтқазилади, ва ушбу конкурсда юттиб чиққанлар талабалар илмий жамиятига қатнашади ва анжуманда ўзининг маърузаси билан чиқишади. Амалий машғулотнинг биттаси Соғлиқни сақлаш қошидаги тиббиёт тарихи музеида ўтқазилади. Дарсда музей ходими талабаларни ушбу музейдаги барча маълумотлар билан таништиради. Музейга боришдан олдин талабалар орасида Ўзбекистонда тиббиёт тарихининг ривожланиши тўғрисида баҳоловчи тест ўтқазилади. Музейдан сўнг хар битта талаба ўзининг таъсиротини Эссе тариқасида намоён этади. Модул охирида талабалар яқин келажакда кейин Ўзбекистонда тиббиётнинг ривожланиши ва унда уларнинг хиссалари тўғрисидаиншо ёзилади, бу талабаларнинг тафаккури ва тасаввурини ривожлантиради. Иккинчи ва тўртинчи курсда Жамоат саломатлиги модули бўлади, унингасосий мақсади талабаларни аҳолини саломатлигини сақлаш, яхшилаш, умрини ўзайтириш, касалликларни олдини олиш ҳамда реабилитацияишларини амалга ошириш учун илмий асосланган билимлар ва амалий кўникмаларни мустахкамлашга ватакомиллаштиришга қаратилгандир. Олтинчи курсда Маркетинг ва менежмент модули ўтилиши режалаштирилган. Ушбу модулда талабарни тиббиётда бозор иқтисодиетини хисобга олган холда олиб бориладиган чоратадбирларни, хусусий секторларни ривожлантириш йўлларини, бизнес режаларни тузиш, SWOTтаҳлилларни ўтқазуш каби мавзулар ёритилади. Хар битта модулда мустақил таълимга алохида эътибор берилади, яъни талабаларни аҳоли орасида патронаж, суровномалар ўтқазуш, бизнес режалар тузишга ўхшаш жараёнга жалб қилиш орқали. Кредит-модул тизими ўқув жараён иштирокчиларини бир-бири ва янгитдан ўтиладиган мавзу билан таништиришга, назарий ва амалий билимларни эгаллаш муҳитини юзага келтиришга хизмат қилади. Натижада гуруҳдаги барча талабалардакеракли бўлган кўникмаларга тўлиқ эга бўлиш имконияти бўлади,кредит-модуль

тизими киритилиши талабаларни мустабил билимни тўқдириб бориш ва уларнинг маъсулятини оширишга ёрдам берадиган тизимдир.

Литература

1. Долгова Т.В. Смешанное обучение – инновация XXI века. – 2017. – 5: Интерактивное образование. С. 2-8.
2. Майкл Х., Хизер С. Смешанное обучение. Использование прорывных инноваций для улучшения школьного образования. 2015. 343 с.
3. Самохвалова В. И. Культурология: Краткий курс лекций. - Москва, 2022.
4. Федоров А. А. Введение в теорию и историю культур: Словарь. Москва 2015.
5. Долгова Т.В. Смешанное обучение – инновация XXI века. – 2017. – 5: Интерактивное образование. С. 2-8.
6. Майкл Х., Хизер С. Смешанное обучение. Использование прорывных инноваций для улучшения школьного образования. Jossey-Bass. A Wiley Brand. 2015. 343 с.